

HISTORY KNOWLEDGE**Khudaiberdieva Gulnora Khursandovna**

Lecturer, Department of Civil Society, Faculty of Law, TerSU

Bahodirov Shahzod Ortik ugli

Student of the Faculty of Law of TerSU.

The historical development of mankind shows that self-awareness, first of all, the essence of human existence is manifested through spiritual reality, honor, dignity, prestige, honor. Understanding the meaning and purpose of life begins with an understanding of identity. The national idea, which was established in our country during the years of independence, also serves to understand the identity, as it is embodied in the foundations, and they are inextricably linked

ТАРИХНИ БИЛИШ-ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ**Худайбердиева Гулнора Хурсандовна**

ТерДУ Юридик факультет “Фукаролик жамияти” кафедраси уқитувчиси,

Баходиров Шахзод Ортик угли

ТерДУ Юридик факультет талабаси.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти ўз-ўзини англаш, энг аввало, инсоний мавжудликнинг моҳиятини маънавий воқелик, шаън, кадр-қиммат, обрў-эътибор, ор-номус орқали намён бўлишини кўрсатади. Ҳаётнинг маъно-мазмуни, мақсадини тушуниб етиш, ўзликни англашдан бошланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда асослаб берилган миллий ғояда унинг негизлари мужассам бўлганлиги учун ҳам ўзликни англашга хизмат қилади ва улар бир-бири билан узвий боғлиқдир

“Ўзликни англаш”, “Миллий ўзликни англаш” ва ниҳоят “умумбашарий ўзликни англаш” тушунчалари бир-биридан айри эмас, балки бир-бири билан узвий алоқадор, бир-бирини тақазо этади. Зеро, инсон, ота-она, оила, миллат, аҳли башар, боринги, бутун борлиқ билан муносабатлар асосида ўзининг ким эканлигини англаб боради. Айни шу муносабатлар замида шаклланган миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида миллий ғоя тамойиллари шаклланган ва ўз навбатида, миллий ғоя уларни замон талаблари асосида бойитиб боради.

Ўзликни англаш миллий ғурур ҳақида қайғуриш юртимизда мустамлака даврида ҳам бир зумга бўлсада тўхтагани йўқ. Миллат бўлиб шаклланганимиздан буён миллий мафкура йўлида не не зотлар қурбон бўлди. 37-йиллар таъсири остида шаклланган коммунистик мафкура инерцияси 20-асрнинг 80-йилларига қадар давом этди. Айни йилларда мустақиллик учун курашлар фонидида миллий тикланиш ва ўзликни англаш учун курашлар ҳам авж олди. Хўш? Натижа кўнгилдагидек бўлдими ва биз нималарга эришдик ва эришяпмиз?

XXI-аср дунёга техника тараққиёти билан бирга ёпирилди. Табиийки эврилишлар авж нуктасида мафкуравий курашлар ҳам майдонга чиқади. Бугунги кунда худди шу жараённи жаҳон афкор оммаси билан бир қаторда халқимиз ҳам бошдан ўтказмоқда. Оддий мисол йигирма йил оллинг телевидение билан бугунгисини таққосласак салмоқли фарқ кўзга ташланади. Бежизга телевидениедан сўз очмадик чунки телевидение энг катта тарғибот "қурол" и статусига эга. Шундай экан маънавийтимизга ёт салбий таҳдидларга қарши курашда ҳам телевидение зиммасига энг маъсулиятли вазифа юкланади. Бугунги техника асрида ахборот оқимини жиловлашнинг деярли иложи йўқ. Етишиб келаётган авлод маданияти ва маънавиятига назар ташлайдиган бўлсак. Қўполроқ таққослаш бўлсада айтиш керакки "кўча" ёшлари ва ўз мафкурасида собит ёшлар гуруҳи юзага қалқиб чиқди. Келинг таҳлилни биринчи гуруҳ вакилларида бошлай қолайлик. "Кўча" ёшлари орасида оммавий маданият ва миллий анъана ғоялари қоришиқ ҳолда учрайди, худди машҳур реформатор Отатурк Туркияси ёшлари каби. Мустаҳкам мафкурасиз, ёт ғоялар таъсирига берилувчан, "адреналин" истагида ўзга юртларга бош

олиб кетаётганлар ҳам таассуфки ушбу гуруҳга мансуб. Хулоса қилишга шошилманг, ютуқларимиз ҳам бор. Ёшларимиз орасида жаҳон ареналарида нафақат спорт балки илм-фан ва бошқа жабҳаларда ҳам дунёни лол қолдираётганлари талайгина. Номма-ном санаб ўтадиган бўлсак алҳол бир мақола ҳосил бўлади.

Яхудийларда шундай одат бор. Бола талаб қилган нарсани қўлига тутказадия аммо ўзлари мутлақо унга қизиқиш зоҳир этишмайди. Сабаб, бола ўша нарсанинг муҳим эмаслигини англаб етишига имкон қолдириш. Бу билан нима демоқчиман, ота она нимага таассуб қилса фарзанд ҳам шу йўлдан боради. Демак ТВ, интернет ва бошқа ахборот оқимларини керакли ўзанга буриш кўпроқ оила зиммасига тушади.

Ҳар бир гуруҳга турфа ракурсадан назар ташлаганда иккисининг ҳам ўзига хос "нозик нуқта"лари кўзга ташланади. Бу-албатта мафкуравий бўшлиқ. Бирининг онги кераксиз деталлар билан етарли" бойитилган, иккинчисида заҳира миқдори истаимизми йўқми чўғи пастроқ.

Китобхонлик тарғиботи бир зум авж олдию назаримда бироз сусайгандек. Тарғибот доирасида эса дуч келган китобни тиқиштиравериш ҳам етарли самара бермайди. Грузин халқининг ибрат бўлгулик удуми бор. Янги келиннинг сепида албатта Шота Руставелининг "Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон" достони бўлиши шарт. Ўзликни англашиш йўлида ҳаракатнинг илк босқичини грузинлардан ўрнат олсак арзийди. Боланинг китоб оламига саёҳатини ўз миллий этносимиз ва миллий адабиёт намоёндаларига мурожаатдан бошласак албатта кўзланган маррага деярли машаққатсиз эришамиз. Исботи сифатида шуни келтиришим мумкинки ҳар бир грузин Шота Руставелини исталган шедевр асардан юқори кўяди. Бу халқнинг қон қонига синган. Бизнинг халқимиз ҳам қадимийлик жиҳатидан бошқа халқлардан қолишмайди.

Шундай экан Бехбудий, Чўлпон, Фитрат каби миллат қайғусида жон чеккан аждодлар меъроси биз учун келажак авлод тарбияси йўлида дастуриламал вазифасини ўташи керак.

Француз классиги Бальзакнинг шундай сўзлари бор: "Ўзлигига эга бўлмаган миллатни маҳв этиш ёш ниҳолни синдиришдан кўра осонроқ". Бугун мафкура полигонлари бор куч билан ишлаётган бир даврда миллий юксалиш ва ўзликни англаш йўлидаги ҳар бир қадамимиз соғлом фикрли авлодни етиштириб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Ўтган асрнинг 20-йилларида Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний каби зиёлиларимиз тилга олиб ўтган маънавий-маърифий жабҳадаги муаммолар ҳозирда ҳам бот бот кўтарилиб келмоқда. Бунинг сабаби шуки маънавий юксалиш масаласи ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган.

Дебачада келтирилган воқеага чекиниб фикрни индаллосини лўнда айтадиган бўлсак ўзлигини англаган миллат ҳеч қачон ўз халқига тиф кўтармайди. Бунинг келиб чиқмаслиги эса ҳамма ҳолатда ҳам ўзимизга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.-Т.:Ўзбекистон, 2016.
2. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қонидаси бўлиши керак.-Т.:2017.
3. Худойбердиев Х. Маънавият, ахлоқий кадрият. -Термиз, 2000.
4. Khudayberdieva K.G. Nationality: Views, Probiems And Solitions//The American Jornal of Social Science and Education Innovations -2020.-Т.2.-№.08.-С.297-300.